

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

O'zingni angla!



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 22-iyun, chorshanba

№ 25 (984)

1996-yil dekabrda chiqa boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.uzhurriyat.uz

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Тошкентда шу йилнинг 23–24 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси бўлиб ўтади. Шу муносабат билан ШХТ саммитининг пойтахтимиздаги халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ташкил этилди.



Пойтахтимизда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган “Билимлар беллашуви — 2016” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтмоқда.

Латвиянинг Салацгрива шаҳрида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда мазкур шаҳар кенгаши, ўлка Думаси, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари ҳамда сайёҳлик соҳасининг мутахассислари иштирок этди.

Яқинда “Урганч” халқаро аэропорти Фуқаро авиацияси “Аэропорт” Ассоциацияси томонидан тўртинчи бор “МДХ мамлакатларида йилнинг энг яхши аэропорти” деб топилши баробарида, “Туризм соҳасига қўшган катта ҳиссаси учун” номинацияси совринига ҳам лойиқ кўрилди.



“HURRIYAT” газетаси Ўзбекистон ҳаво йуллари миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



ҚАШҚАДАРЁ: ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛЛАРИ

► БУНЁДКОРЛИК

Қашқадарё жонажон Ватанимизнинг энг гўзал ва катта имкониятларга эга масканларидан бири. Мамлакатимизнинг кўплаб табиий захиралири шу ҳудудда мурасам. Вилоятда пахта, ғалла, чорва, поллиз экинлари етиштирувчи тармоқлар билан бирга, нефть, мрамар, туз, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бутун кунда республикамиз бўйича ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ўн бир фоизи шу воҳа ҳиссасига тўри келади. Шўртан ва Муборак газкимё мажмуалари, Деҳқонобод каллийи ўғитлар заводи каби замонавий саноат корхоналарида жаҳон бозорида харидориги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Айни пайтда йирик инвестициялаштирилган лойиҳа асосида Талимаржон ИЭСда йилига 900 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга иккита бўғаз қурилмасини қуриш ишлари жадал давом этмоқда. Энг муҳими, бундай муҳташам иншоотлардаги мураккаб қурилмаларни дунёқарши бутунлай янги, кўплаб хорижий

давлатларда тажриба алмашиб келган ўзимизнинг йигит-қизлар моҳирлик билан бошқараётгани Ватанимизнинг катта ютуғидир. Самарқандда — барака, Қашқадарёда — неъмат, дейдилар. Бу ҳақиқатни биз феъли дарё элнинг кўнгли тозаллиги, бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатиб яшаётганида ҳам кўришимиз мумкин. Яқдиллик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бор жойда барака бўлади. Ёзда бу юртининг ҳарорати эллик даражагача кўтарилиб кетса-да, ҳар йили фермер хўжалиги миришкорлари зиммасига олган ғалла ва пахта етиштириш бўйича шартномасини шараф билан бажариб келмоқдалар. Уларнинг онгида мен шу ерни боқсам, ер ҳам мени боқди, деган тушунчалар ал-

лақачон ўз тасдиғини топган. Газ ва сув кириб борган энг чекка қишлоқларида ҳаёт тарзи бутунлай янги. Зироатчилик, паррандачилик ва чорвачиликдан олинаётган даромадлари ҳам вилоят иқтисодиёти ривожига улкан ҳисса қўшмоқда. Албатта, бундай юқори натижаларга эришиш учун муносиб шароит, рағбат ва соғлом ижод муҳити бўлиши керак. Вилоятнинг умумий ер майдони қарийб 2 миллион 857 минг гектарни ташкил этса, шунинг 1 миллион 381 минг гектари яйловлардан иборат. Чорвачилик қилиш учун қулай беада кенгликларда озуқали экинлар сероб. Ҳали ишга солинмаган ички имкониятлари, табиий ресурслари эса беҳисоб.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Хоразм вилоятида саноат корхоналари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Урганч шаҳридаги «UzXCMG» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида замонавий гидравлик экскаваторлар, бульдозер ва бошқа қурилиш техникалари ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда бу ерда 50 ишчи доимий меҳнат қилмоқда.

Суратда: Урганч шаҳридаги «UzXCMG» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида.



Ш. ҚОРИЕВ (У.А.) олган суратлар.

Хурматли муштарийлар,

2016 йилнинг келгуси ойлари учун “HURRIYAT” газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ҳўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳада этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat” да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишимингиз мумкин.

“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ

► ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бу борада Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари тасоли» муҳим аҳамият касб этапти.

Жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ижтимоий шерикликни тартибга солиш учун шундан негизда мамлакатимиз тараққиётининг муҳим йўналишлари аниқ белгилаб берилган. Юртимизда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат-нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, уларга иқтисодий-молиявий кўмак кўрсатиш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институт-

ларининг лойиҳаларини давлат томонидан молиялаштириш тизимининг йилдан-йилга кучайиб бораётгани учун секторнинг янада ўсишида, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда унинг фаол иштирокида намоён бўлаётган. Айниқса, 2015 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни соҳадаги муаммоларни бартараф этишга муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ушбу қонунга мувофиқ, эндиликда ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари Қорақалпоғистон Республика-

си Жўрғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурда фаолият олиб бормоқда. Мазкур жамоат ташкилотларининг тузилиши жойларда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва давлат органлари ўртасидаги мутаносибликни янада яқинлаштиришга қаратилган.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари юқорида таъкидланган, жойлардаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг фаолиятини атрофича муҳофаза этишди.

Ушбу масала бўйича маъруза қилган Парламент комиссияси аъзоси, Сенат аъзоси Гавҳар Алимова, комиссиялар фаолияти ҳали тўлиқ шакланмаганига алоҳида тўхталиди.

ИМКОНИАТ

Хар бир ишни бошлашдан олдин етти ўлчаб бир кесган маъкул. Бу нарса тадбиркорлик ва бизнесга жуда ҳам дахлдордир. Бугунги кунда Ўзбекистонда тадбиркорлик ва бизнес жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Айниқса, кичик корхоналарни йўлга қўйиш катта самара берапти.

БИЗНЕС РЕЖА ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг қулай ва арзон жиҳати кичик бизнес билан шуғулланишидир. Хусусан, коллежни тугатаётган ўқувчиларнинг тадбиркорликка кириши уларга келажакда катта имкониятлар эшигини очади. Бунда энг аввало, коллеж ўқувчилари ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаб олишлари керак. Ҳолбуки, ўз ҳақ-ҳуққини яхши билган тадбиркор қайси эшикни очса ҳам ўша ердан ўз вази-фасини энгил битказиб чиқа олади. Ёш тадбиркорлар биз-несни бошлашлари аввало, мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун яратилган имкониятлар ва унинг ҳуқуқий асосларини мукамал ўрганишларини тавсия этамиз. Бинобарин, юртимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган. Дарҳақиқат, кичик бизнес корхоналари энг арзон, осон бош-қарилувчан, бозор иқтисодиёти ўзгаришларига тез мосла-шувчан ҳисобланади. Улар йирик корхоналарга қараганда маҳсулот асортиментини янги-лашга қўлайлиги билан афзал-дир. Кичик корхоналар ва тадбиркорликни бошлаш учун биз-нес режани тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг қулай ва арзон жиҳати кичик бизнес билан шуғулланишидир. Хусусан, коллежни тугатаётган ўқувчиларнинг тадбиркорликка кириши уларга келажакда катта имкониятлар эшигини очади. Бунда энг аввало, коллеж ўқувчилари ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаб олишлари керак. Ҳолбуки, ўз ҳақ-ҳуққини яхши билган тадбиркор қайси эшикни очса ҳам ўша ердан ўз вази-фасини энгил битказиб чиқа олади. Ёш тадбиркорлар биз-несни бошлашлари аввало, мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун яратилган имкониятлар ва унинг ҳуқуқий асосларини мукамал ўрганишларини тавсия этамиз. Бинобарин, юртимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган. Дарҳақиқат, кичик бизнес корхоналари энг арзон, осон бош-қарилувчан, бозор иқтисодиёти ўзгаришларига тез мосла-шувчан ҳисобланади. Улар йирик корхоналарга қараганда маҳсулот асортиментини янги-лашга қўлайлиги билан афзал-дир. Кичик корхоналар ва тадбиркорликни бошлаш учун биз-нес режани тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг қулай ва арзон жиҳати кичик бизнес билан шуғулланишидир. Хусусан, коллежни тугатаётган ўқувчиларнинг тадбиркорликка кириши уларга келажакда катта имкониятлар эшигини очади. Бунда энг аввало, коллеж ўқувчилари ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаб олишлари керак. Ҳолбуки, ўз ҳақ-ҳуққини яхши билган тадбиркор қайси эшикни очса ҳам ўша ердан ўз вази-фасини энгил битказиб чиқа олади. Ёш тадбиркорлар биз-несни бошлашлари аввало, мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун яратилган имкониятлар ва унинг ҳуқуқий асосларини мукамал ўрганишларини тавсия этамиз. Бинобарин, юртимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган. Дарҳақиқат, кичик бизнес корхоналари энг арзон, осон бош-қарилувчан, бозор иқтисодиёти ўзгаришларига тез мосла-шувчан ҳисобланади. Улар йирик корхоналарга қараганда маҳсулот асортиментини янги-лашга қўлайлиги билан афзал-дир. Кичик корхоналар ва тадбиркорликни бошлаш учун биз-нес режани тузиш муҳим аҳамиятга эга.

ҚАШҚАДАРЁ: ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛЛАРИ

«Бошланғич 1-бетда»

2013 йил 2 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “2013–2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилингани келгусида Қашқа воҳасини мамлакатимиздаги энг гўзал шаҳарлардан бири, йирик саноат ва маданият марказига айлантириш учун мустаҳкам замин яратди. Ушбу дастурда асосан, умумий қиймати икки миллиард тўқсон саккиз миллион долларга тенг беш юзи эллик беш лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилиб, ҳозиргача тўрт юзи қирқдан ортиги ҳаётга татбиқ этилгани диққатга сазовордир. Саноат соҳасининг янги турларини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш мақсадида кўрилатган бу тадбирлар ҳозирдан ўз мевасини бера-япти. Масалан, Деҳқонобод қалий заво-дини фойдаланишга топширилгани, ту-манда саноат ишлаб-чиқаришнинг ривож-ига улкан ҳисса қўши. Бугун бу ерда фаолият юритаётган кичик бизнес субъек-тининг ўзи мингга яқин. Таққос учун: 2007 йилда туманда бор-йўғи 723,6 мил-лион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб-чиқарилган бўлса, 2014 йилга келиб янги ишлаб-чиқариш қувватларининг ишга ту-ширилиши, тадбиркорларнинг саъй-ҳа-рақати самараси ўлароқ бу кўрсаткич 111 миллион 386 миллион сўмга етди. Жо-рий йилда бу рақам янада ўсиши кутил-моқда.



Ж.Норқобилов (ЎЗА) олган суратлар.

даров” ишлаб-чиқариш ва савдо хусусий фирмаси бунёдкорлари 9 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига қуриб битказишди. Ёш оилалар учун барпо этилаётган намунавий лойиҳадаги тураржойлар ижарада яшовчилар учун бир қанча қўлайликлар яратмоқда. Ҳар йили ўзим каби қанчалар янгиланган муқаддас имтиёзли кредитлар эвазига шинам ва замонавий ҳовли-жойга эга бўлиш учун ҳаракат қил-моқда. Улар бугундан рози, эртанги ку-нидан кўнгли тўқ, орзулари ойдин ёшлар-дир.

Дарҳақиқат, қадимда Қашқадарё даре-сининг икки қирғоғини боғлаган мазкур кўприк 700 йиллик тарихга эга. Урта аср-ларда Насаф орқали Эрон ва Хиндистон-ни Европа билан бирлаштирган муҳим қарвон йўллари ўтган. Янги кўприк ва унинг атрофида барпо этилган қўркам сайлғох нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки чет эллик сайёҳларнинг ҳам се-вимли масканига айланиши табиий. Бу-дан ташқари, мана шу кўприк овоз юрт фарзандлари қалбида улғу ишларга ра-бат уйғотади. Айниқса, серёгин баҳор кезлари сувга тўлиб, чўлу биёбонларни гулистонга айлантиради. Бу деҳқонли-мизни ўз томорқасида ишлаб, даромад топиши учун қулай имкониятларни яра-тади.

БУГУНДАН РОЗИ, ЭРТАНГИ КУНДАН Кўнгли тўқ

Кейинги йилларда Қарши шаҳри ҳам мисли кўрилмаган даражада ўзгариб бормоқда. Шаҳарнинг 2700 йиллиги муноса-бати билан кўна Насаф қадимий тари-хи, юксак нуфузини қайта тиклагани хал-қаро миқёсда катта воқеалардан бири си-фатига эътироф этилган. Кутлуг тўй муносабати билан бошланган улғу ишлар жадал давом этиб, йўл қурилиши, уларни таъмирлаш ва атрофларини обод қилиш-га уланиб кетди. Шаҳар ва қишлоқларда-ги боғча, мактаб, шифохоналарга олиб-борилган кўчалар кенгайтирилиб, йўл-ловчилар ҳаракатлини учун қўлайликлар яратилмоқда. Йўл масаласи бўйича му-аммолар деярли, одамларни ўйлантирмай қўйди. Айниқса, Самарқанд – Қарши те-мир йўли йўналишида тез ҳаракатланади-ган йўловчи поездлари қатновини йўлга қўйиш, Мароқанд – Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш, Қарши вокзалини реконструкция қилиш лойи-ҳалари бўйича ижобий натижаларга эри-шилгани қувонарли ҳол. Бир томони мар-каз билан боғланган поезд йўли, бир то-мондан Зарафшон ва Ҳисор тизмалари, Бухоро кенгликларига қўшилган кетган ав-томобиль йўллари истаган манзилнингиз-га бехатар етказди. Қисқа муддатда қуриб-битказилган мустаҳкам ва раво йўллар одамларнинг оғирини энгил, узоғини яқин қилиш билан бирга, янги-янги кор-хона ва иш жойларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, вилоят марказидаги “Санам” МЧЖда ишлаб-чи-қарилаётган текстиль маҳсулотлари хо-рижлик ишбилармонларнинг ҳам эъти-борини тортмоқда. Ёки Косон ва Қарши ёғ экстракция қўшма корхоналари маҳал-лий ҳомебин қайта ишлаш ҳисобидан маҳсулот чиқариб, катта даромад топаёт-гани эътиборга моликдир. Бу борадаги хайрли ўзгаришлар бунёдкорлик ва обод-лантириш ишларида ҳам ўз ифода-сини топмоқда. Эътибор беринг, ўтган йили вилоят марказида 32 та замонавий, биринчи қаватли савдо дўконлари ва ма-шини хизмат кўрсатиш шохобчалари жой олган кўп қаватли тураржойлар қал рост-лаган бўлса, жорий йилда шундай уйлар-дан яна 25 таси қурилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ва Насаф қўчалари кесишган жойда, Қаршининг эски шаҳар қисмида қад ростлаган, 24 хонадонга мўлжаллан-ган тураржой кўрамалиги билан шаҳарга зеб бериб турибди. Уни “Тўхта ота Ҳай-

СОҲИБҚИРОН ЮРГАН Йўлларида

Президентимизнинг 2013 йил 25 июл-даги “Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транс-порт коммуникацияларини ривожланти-риш дастури тўғрисида”ги қарори ҳам та-рих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ишларни бошлаб берди. Ви-лоятда йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида узунлиги 56 кило-метр бўлган ҳалқа йўли, темир йўл ва дарёлар билан кесилмаган нуқталарида 6 замонавий йўл ўтказгич ва кўприклар бунёд этилаётгани шаҳар ҳавоси мусаф-фолиги ва ҳаракат хавфсизлигини таъ-минлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳалқа йўлининг Қашқадарёни кесиб-ў-тгани қисмида узунлиги 108, эни 27 метр-лик янги кўприк барпо этилгани қашқа-дарёликлар учун мустақиллигимизнинг янгирима беш йиллигига муносиб тўхфа бўлди. Давлатимиз раҳбари 2015 йил 30 июнь – 1 июль кунлари Қашқадарёга қил-ган ташрифлари чоғида Амир Темури кўприги устида тўхтаб, кўприк ва унинг атрофини ободонлаштириш, аҳоли мада-ний ҳордиқ чиқарадиган хушманзара сайёҳга айлантириш борасида алоҳида тўхтайди ўтанди. Оралдан кўп ўтмай, Амир Темури кўприги атрофи йирик дам олиш ва истироҳат мажмуасига айлан-тирилди. Қирғоқ бўйидаги эски бинолар ўрнига гўзал хиёбон бунёд этилди. Дарё соҳили бўйлаб кемалар тўхтайдиган тўртта жой қурилиб, ёритиш устунлари ўрнатил-ди. Бу ерда 51 та катамаран, 2 та турист-тик катер ва 4 та аттракцион хизмат қила-ди. Дарё қирғоғи бўйлаб 14 та коттеж, 4 та кафе-бар, болалар майдончалари, 4 та сунъий қопламали спорт майдончаси бар-по этилди.

ЕТТИ ЮЛДУЗ ЕҒДУСИ

Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғда ҳам улғу саркарданнинг муборак қадамлари тек-кан табаррук манзиллар жуда кўп. Амир Темури бобомиз мана шу заминдаги сув-тушар шаршаралар, ғорлар, сўқмоқлар, да-ралар ва қоялардан малад олиб, ўз вақти-да юртини осойишта ва обод қилиш учун бир қанча бунёдкорлик ишларини олиб-борган. Оқсаройни Шаҳрисабзда бунёд этилишида ҳам ўзига хос ҳикмат бор. Гўзал ва бетакор табиатидаги ўта ноёб қисми ЮНЕСКОнинг “Жаҳон табиий ва маданий мероси дурдоналари” китобига киритилган. Мирқоғида дам олиш учун на-фақат юртдошларимиз, балки дунёнинг бир четидан келётган сайёҳларнинг ҳам кети узилмайди. Ҳозирги пайтда Шаҳри-сабзнинг ўзида бир қанча қўшма корхо-налар фаолият кўрсатиб, уларда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Якка-боғ, Мингчирок дам олиш оромгоҳлари Швейцариянинг гўзал табиатини эслата-ди. Пуриқор тоғларидан келётган сув Қарши, Косон ва Муборак дала-лашлари таъминлаб турибди. Бу деҳқон ҳўжа-ликларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Вилоятдаги қанчалар-қанча экин майдонлари ўзлаштирилиб, ўз эга-ларига топширилмоқда.

ТУЯНИ МИНЦА, ОЛСНИ ҚУЗА

Бугун Қашқадарё деганда кўз олдимиз-да чўл гавдаланмайди. Сахро бағрида бар-по этилган қўллаб-қувватланган, сузиш ҳа-валари ва теннис кортларини санаб адо-ғига етолмайди. Вилоят марказий стади-онини тубдан таъмирланган қашқадарёлик спортчиларни турли мусобақаларда сал-моқли натижаларини кўлга киритиши учун муҳим омил бўлмоқда. Янги қурилган бу иншоотлар, уй-жойлар, бозорлар, гузар-лар, раво йўллар бариси, беш-ун йилни эмас, балки узоқ истиқболни кўзлаб ама-лга оширилган ишлардир. Ҳали бу йўллар атрофида кўпгина замонавий мактаб, касб-хунар коллежлари, янги корхоналар пайдо бўлди. Фақат мана шу бахт таъ-мини тотиб, ҳаётдан завқланиб яшаш ин-сонийлик бурчимиздир.

Адиба УМИРОВА, “Hurriyat” мухбири

ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ

«Бошланғич 1-бетда»

Маърузачининг айтишича, Навоий, Наманган вилоятларида-ги жамоат комиссияси тар-кибига киритилган аъзолар би-рор маротаба йиғилмаган. Улар-нинг иш фаолиятини юқори да-ражада ташкил этиш учун Пар-ламент комиссиялари аъзолари томонидан ҳуқуқий ёрдам кўпроқ кўрсатилиши керак, деди у.

июль ойларида давлат гранти ажратиш бўйича 5- ва 6- тан-ловларни ташкил этиш ва уни ОАВда эълон қилиш тўғриси-да қарорни тасдиқладилар. — 5-танловни Атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслар-дан оқилона фойдаланиш ма-салаларини ҳал этишда аҳоли, фуқаролик жамияти институт-ларининг фаоллигини ошириш ма-взусида ўтказиш белгилян-ди, — деди Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижор-ат ташкилотларини ва фука-ролик жамиятининг бошқа ин-ститутларини қўллаб-қувват-лаш жамоат фонди директори Абдужалил Тураев. — Мазкур танлов, 13 та устувор йўналиш-нини ўзида қамраб олади ва улар-

га жами 650 миллион сўм аж-ратиш кўзда тутилган. 6-тан-лов мустақиллик йилларида республика ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютук-лар ҳақида кенг жамоатчи-ликни хабардор қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мавзусида бўлади. Мазкур танлов ўзида 10 та устувор мақсадни қам-раб олган. Ушбу мавзуда ке-либ тушадиган лойиҳаларнинг 30 таси 700 миллион сўм миқ-дорига қўллаб-қувватланиши белгиланган. Тадбир якунида Парламент комиссияси аъзолари кўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилишди.

Жобир РАЗЗОҚОВ

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант маблағлари асосида чоп этилмоқда.

Малика АХМЕДОВА

Сўз истиқлол тенгдошларига

► ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ватанга қандай хизмат қилиш керак?

Бу савол шу юртни сеувчи ҳар бир инсонни безовта қилади ва ўйлаймизки, унинг жавоби ҳар бир фидойи юртдошимизнинг эзгу амалларида намоян. Масалан, оддий боғбон балки умрида ҳеч қачон “Мен шу Ватанга содиқман, унга хизмат қиламан” деб баралла айтмас, аммо сидқидилдан қилаётган меҳнатини кўриб дилида шу гап борлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Унинг муҳаббати ўз ишига муносабатда кўриниб турибди. Ёхуд кулол гил-тупроқни ховучига оларкан, ундан гўзаллик пайдо қилишни ўйлайди. Шунинг ўзи унинг эл-юртга муҳаббати ва садоқатининг рамзидир.

Истиқлолимизнинг чорак асрлик қутлуг тўйи арафасида 25 ёшли йигит-қизлар билан суҳбатлашдик. Улар турфа соҳа вакиллари — бири тадбиркор, бири спортчи, яна бири ёш олим, адиба... Уларнинг Истиқлол, Ватанга муҳаббат, бурч тўғрисидаги мулоҳазалари сиз, муҳтарам ўқувчиларни бефарқ қолдирмаслигига ишонамиз.



Руслан НУРИДДИНОВ, “Ўзбекистон ифтихори” унвони соҳиби, оғир атлетика бўйича жаҳон ва Осиё чемпиони:

— Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган йилда туғилганимдан, унга тенгдош эканимдан фахрланаман. Ҳозирга қадар эришган барча ютуқларимнинг сабабини Яратганнинг бизга ато этган улуг неъматини — мустақилликдан деб биламан.

Ёшлигимдан менга галаба ҳеч қачон ўз-ўзидан келмайди, унга ирола, интилиш, тинимсиз машқ, қисқаси, мустақам пойдевор билан эришилади, дея сабоқ беришган. Бунга ёрқин мисол — юртимизнинг озоликка эришгани. Тарих дарсликлари, устозларимиз ва кексаларимиз ҳикоялари халқимизнинг улуг фарзандлари мустақиллик учун қандай курашганликларидан дарак беради.

Галабаларга оддий инсон, фуқаро сифатида қандай эришиш мумкинлигини озми-кўпми бошидан кечирган спортчи сифатида айтганим, ютуқлар замирида нафақат жисмоний куч, балки кишининг руҳан кучли, иродати бўлиши, галабага маънан тайёрлиги, унинг ортида дуо қилиб турган инсонларнинг бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Халқаро спорт майдонларида эришаётган ҳар бир ютуғим халқимизнинг, Юртбошимизнинг, яқин инсонларимизнинг менга бўлган ишончи, уларнинг дуолари самарасидир. Қолаверса, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортга, хусусан, болалар спортига берилган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳам сабаб бўлаётди. Чунки умумий рағбатсиз, эъти-

борсиз халқаро майдонларда катта натижаларга эришиш осон эмас.

Жуда кўп юртларда бўлдим. Аммо ҳеч бир мамлакатда спортни ривожлантиришга юртимиздагидек ғамхўрликни кўрганим йўқ. Хусусан, кичик олимпиада деб ном олган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинларининг аҳамиятини уларда тобланган ўзбек спортчиларининг муваффақиятлари тимсолида жаҳонда ҳам тан олишмоқда.

Ўзбек оғир атлетика мактаби истиқлол туфайли дунёда етакчилар қаторидан жой олди. Дунё оғир атлетикачилари эндиликда биз билан ҳисоблашишларига тўғри келяпти. Бундан ташқари ҳар йили юртимизда оғир атлетика бўйича жаҳон ва китга чемпионатлари ўтказилаётгани халқаро майдонларда мамлакатимизнинг мавқеи тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

Бу йил энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақилликимизнинг 25 йиллигини нишонлаймиз. Ушбу қутлуг сана арафасида Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида ёнги олимпиада ўйинлари ўтказилди. Шу ўринда болалик орзуларимдан бирини айтиб ўтсам. Спортга меҳр қўйган илк давларимдан олдимга улкан мақсад — Олимпиадада иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришни ният қилиб қўйганман. Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ниятим 2012 йилда амалга ошди. Лондонда бўлиб ўтган мусобақада менга озгина омад ва тажриба етишмади. Яқинда тўртинчи ўрин билан чекландим.

Бу гал Олимпиадада қатнашиб, чемпион бўлиш ниятидан. Бунинг учун мураббийларимиз билан жуда кўп меҳнат қилдик. Ана шу меҳнатнинг роҳатини кўришни барчамиз истаяпти. Аллоҳ насиб этса, Бразилиядаги Олимпиада ўйинларида юртимиз байроғини баланд кўтариб, мадҳиямизни баралла янграши учун бор куч-ғайратимни сарфлайман. Зеро, мен учун Ўзбекистон шаънини шундай нуфузли мусобақаларда ҳимоя қилишдан улкан бахт йўқ.

Дониёр НАСРИДДИНОВ, кимё фанидан Менделеев номидаги 44-халқаро олимпиада бронза медали совриндори, тадбиркор:



Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро фан олимпиадасининг саралаш босқичида муваффақият қозониб, Менделеев номидаги халқаро фан олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганман.

2010 йил Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган мажмуа олимпиадага йўл оларканман, “Шунча интилиб, бу ергача келдим. Ортимда устозларим, ота-онам кўз тикиб турибди, ишқилиб уларнинг юзини ерга қаратиб қўймайин-да” деб ўйладим. Шукрки, масалаларни ечишда унчалик қийналмадим. Чунки бунга тайёр эдим. Агар кичкина хатога йўл қўйганимда, голиб бўлганман. Бу менинг ўзимга бўлган ишончимни оширган. 2007 йилда Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг «Табийи фанлар» кафедрасининг 1-курсига имтиёзли равишда қабул қилиндим. Бу даргоҳдаги ажойиб муҳит, шарт-шароитлар билимимни янада мустақамлашга ва ўз устимда кўпроқ ишлашга туртки бўлди. 3-курсда ўқётганимда виллоят фан олимпиадасида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Уша йили мен учун жуда омадли йил бўлганди.

га интидим, ўқитувчиларим ўқитиларига кулоқ солдим, вақтимни беҳуда сарфламасликка ҳаракат қилдим. 2013—2014 ўқув йилида Мирзо Улугбек номидаги Давлат стипендиюсига сазовор бўлганим, университетнинг кимё факультети “Физикавий кимё” магистратура бўлимига имтиёзли равишда қабул қилинганим, 2015 йилда қатор истеъодли ёшлар сафида “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишонини билан тақдирланганим, аслида, юртимизда мен каби ёшларга берилган катта эътибор, юксак ишончининг намунасикидир.

Юртимизда ҳар бир соҳа, хусусан, тадбиркорлик учун кенг имкониятлар йўлга қўйилган. Қулай фонизлардаги кредит ва хизматлар соҳа ривожини жадаллаштиришга хизмат қилляпти. Ўзим ҳам ўрганаётган соҳамни чуқурроқ татбиқ этиш, қолаверса, ўзим каби кимё соҳасига қизиққан болаларга фан сирларини ўргатиш ниятида ўқув маркази очиб, тадбиркорлик фаолиятини олиб борапман.

Мустақил юрт, гўзал диёр, кудратли халқ фарзанди эканимдан фахрланаман! Бугун ҳар бир юртдошимиз кўнглида мана шундай эзу ният, ишонч ва фахр борлигига шубҳа қилмайман.



Севара АЛИЖОНОВА, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори:

— 25 йил ичида юртимиз маданият, адабиёт, иқтисод, санъат, спорт, қўйингки, барча соҳаларда юксалиди, ўзини дунёга танитди. 25 йил. Бир инсон боласининг айнаи куч-қувватга тўлиқ, ўзини англашга уринаётган, болалик шўхликлари билан хайрлашиб, катта ҳаётга қадам қўйган палласи. Мажорий айтганда, ҳаётининг бир гули очилди, дегани.

Мустақиллик тенгдошининг қисқача таржimai ҳоли шундай. Наманганнинг Учқўрғон туманида туғилганман. Шу ёшга қадар бир инсон ҳис қилиши мумкин бўлган барча туйғулар — қувонч, шукроналик, бахт, галаба нашини, соғинч, муҳаббат ва энг муҳими, эркинлик ҳамда хотир-жамлик билан яшайдим...

Тўққизинчи синфдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти, кейин эса инглиз тилидан фан олимпиадаларига қатнашиб, билимимни чархладим, юқори ўринларини олдим. Адабиётга қизиқшим эса мени шерьиятга ошно этди. 2006 йили илк шерьий тўпламин — “Юлдуз бўлиб қолгим келади” нашрдан чиқ-

ди. Шундан сўнг “Ёш қаламкашлар”, “Сени шарафлаймиз, жон Ўзбекистон” кўрик-танловлари голибаси бўлдим. 2007 йилда эса “Ез кечаси” (“Night of summer”) номли таржима китобим чоп этилди.

Ижода иштиёқ ва интилиш мени Зулфиянонимнинг изларидан етаклади. 2008 йили Зулфия номидаги давлат мукофоти сазовор бўлдим. Ёшлиқ ғайрати, жўшқинликларим дейманми, ҳар соҳага қизиқарганман. Ўша қизиқишлар натижаси ўлароқ, физика муаллими билан биргаликда аниқ фанларга мўлжалланган “Магнит доска” кўргазмали курулини яратдик. Ижод ва хорижий тилларни бир нуқтада кўриш умиди менда лицей пайтларига бошланган экан, ўйлаб қарасам. “Янги йил орузи” номли мен ва бошқа ижодкорларнинг шерьлари тўпланган инглиз тилидаги китоб ўша умид ва ҳаваскорлик ила чоп этилди. Болалигимдан сўзга муҳаббатим ва хорижий тилларга қизиқшим сабаб ҳеч иккиланмай, ҳали моҳиятини тушуниб етмаганим —

бир, илмий конференцияларда мунтазам иштирок этишга ҳаракат қиламан. Айни пайтда “Тарихий асарлар тили, услуби ва таҳрири” мавзусида олиб бораётган илмий изланишларим келажакда докторлик диссертацияга пойдевор бўлади, деб умид қиламан.

2013 йилда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ўз блог-сайтими очдим. Уни ҳаёт, илм-фан борасидаги мулоҳазаларим эса этган мақолалар билан мунтазам янгилаб бордим. Камтарона меҳнатим туфайли “Этироф — 2015” республика кўрик-танловининг “Энг яхши йил блогери” йўналишида голибликни қўлга киритдим. Ундан ташқари бошқа кўплаб танлов ва фестивалларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдам. Хусусан, жорий йил ўтказилган “Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” республика танловидеги иккинчи ўринни эгалладим. Шунингдек, “Миллий тикланиш” демократик партияси



Гулрухсор ХУДОЙБЕРДИЕВА, ЎЗМУ магистранти, ёш олима:

“Ёшлик” талабалар шаҳарчасининг “Ёшлар қаноти” етакчисиман.

Келажакда услуб ва таҳрир масалаларини чуқур ўрганиб, илмий изланишлар олиб бори, ушбу соҳада етуқ мутахассис бўлиш ниятиданман. Орузларим осмон қадар юксак. Менга қанот бағишлаган мустақиллик билдирган ишончини оқлаш учун бор имкониятими ишга солиб ҳаракат қиламан.

Бугун, Худога шукр, мустақиллигимиз шарофати билан барча миллий бойликларимизни — қадриятларимизни намоян этиш учун барча имкониятга эгамиз. Мана неча йилдирки, “Ипак йўлида туризм” халқаро кўргазмасида, «Ипак ва зирворлар» анъанавий фестивалида ҳамда шу каби кўплаб кўргазма ва фестивалларда доимий равишда иштирок этиб келаяпман. Яқинда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган XV анъанавий “Ипак ва зирворлар” фестивалида ҳам иштирокимиз самарали бўлди. Кўплаб қатнашчилар билан дўстлашдик, тажрибалаб алмашдик. Бу каби кўргазмалар биз ёшларни аввало ўзаро фикр алмашишга, бир-биримиздан ўрганиб, тажриба орттиришимизга, пиروвардида, янада ғайрат ва ишжоят билан интилишга, ижод қилишга ундайди.

Келгусида фаолиятимни янада кенгайтириб, кўплаб шогирдлар тарбиялаш ниятиданман. Қолаверса, бугунги кенг имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда хорижда турли кўргазмаларда қатнашишни ҳам олдимга мақсад қилганман.

Саҳифа материалларини “Hurriyat” муҳбирлари Ж.ХУЖАКУЛОВ, Б.МУҲАММАДИЕВ, Э.НИШОНОВ, Ш.КОМИЛОВА, Ф.ХАЙРУЛЛАЕВА тайёрлади.

Барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол йўлида

► ШАРХ

Пойтахтимиз Тошкентда жорий йилнинг 23 — 24 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлиси бўлиб ўтади. ШХТ ташкил топганининг ўн беш йиллиги санасида бўлиб ўтаётган Тошкент саммити йилнинг марказий сиёсий воқеаси бўлибгина қолмай, балки ташкилот тарихида бутунлай янги саҳифаларни очади.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федератсияси президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этади.

Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Мўғулистон Президенти Сахиянгийн Элбегдорж, Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Хусайн, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Эрон Ислам Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Зариф кузатувчи давлатлар ҳамда Туркменистон Республикаси Президенти Гурбангули Берdimухамедов раислик қилувчи мамлакатнинг меҳмони сифатида иштирок этади.


Мажлисида ШХТ Бош котиби Рашид Алимов ва ШХТ минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев ҳам қатнашади. Шунингдек, ШХТ саммитида халқаро ҳамкор ташкилотлар раҳбарлари — БМТ Бош котиби Ўринбосари Жеффри Фелтман, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижроия котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжа, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Минь, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ижроия директори Гун

Цзяньвэй ҳам иштирок этади.

Таъкидлаш керакки, айти пайтда ШХТ жаҳон аҳолисининг 44 фоизи (3,17 миллиард киши) истиқомат қиладиган 18 та (олтита аъзо, олти кузатувчи ва олти мулоқот бўйича ҳамкор) давлатни ўзаро бирлаштиради. Айти дама Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлса, Афғонистон, Беларусь, Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон ва Покистон кузатувчи давлатлар мақомига эга. Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа, Непал, Туркия, Шри-Ланка мамлакатларини эса мулоқот бўйича ҳамкорлар қаторида санаб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон ташкилотнинг муассиси ва тенг ҳуқуқли қатнашчиси сифатида ШХТни мустақамлаш билан бирга, минтақавий муаммолар ечимининг тугал ва самарали бўлишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир. Учта ёвуз куч — халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо мамлакатлар билан мавқеи даярли бир хил.

— ШХТ ташкил топганининг 15 йиллигини нишонлаш нуқта назаридан, бўлажак саммит ташкилотни ривожлантириш тажрибасини умумлаштириш ва истиқболдаги ҳамкорлик йўналишларини кўриб чиқиш учун алоҳида аҳамият касб этади, — дейди Хитой халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин. — ШХТ 15



йилдан буён ўзаро ишонч ва манфаат, тенглик, масъулашлар, маданиятлар ва цивилизациялар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш, ривожланишга интилишини ўзида мужассам этган “Шанхай руҳи”ни ҳаётга жорий этиб келмоқда. Ташкилот очкилик, бағрикенглик, ҳамкорлик ва умумий манфаат асосида янги кўринишдаги халқаро муносабатларни шакллантириш тарафдори бўлган ва шундай бўлиб келмоқда, минтақада барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Давлат раҳбарлари мажлисининг кун тартибига мувофиқ, ШХТ доирасида серқирра ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама этади, шунингдек, долларб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашади.

Давлат раҳбарлари учрашуви якунида асосий ҳужжат — ШХТ ўн беш йиллигининг Тошкент декларацияси қабул қилинади. Унда ташкилотнинг сўнгги ўн беш йиллик фаолияти, аъзо давлатларнинг ШХТни ривожлантириш истиқболларига нисбатан келишилган ёндашувлари, шунингдек, жорий халқаро ҳамда минтақавий вазият бўйича позиция ўрин олади.

Давлат раҳбарлари 2025 йилгача ШХТни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга доир 2016—2020 йилларга мўлжалланган ҳаракат режаси ва

ШХТни ривожлантириш унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди.

Халқаро шарҳловчилар ШХТнинг минтақа ва дунёда тинчлик ва барқарорликка қўшаётган ҳиссасига юқори баҳо беришмоқда. ШХТнинг ўз олдига қўйган вазифалари барқарор тараққиёт ва фаровон истиқбол учун ҳамкорликда фаолият юритишдан иборат. Сўнгги вақтларда жаҳонда нуфузи ортиб бораётган ушбу ташкилот ўз олдига урушлар ва ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар хавфини даф этиб, тинчлик, фаровон ҳаётга эришиш каби мақсадларнинг қўйган. Ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи икки органи — Пекин шаҳрида жойлашган Котибият ва Тошкент шаҳрида жойлашган Минтақавий ак-

силтеррор тузилмаси самарали фаолият юритиб келмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳуқуқий меъёри ва қондаларига биноан, 2015 йил 11 июлдан буён унга Ўзбекистон Республикаси раислик қилапти. Мамлакатимиз бундан аввал 2004 ва 2010 йилларда ўзининг ШХТга раислиги доирасида даврнинг анъанавий ҳамда янги хавф-хатарларига нисбатан ташкилотга аъзо мамлакатлар сисъатини мувофиқлаштиришни кучайтиришга доир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурган эди.

Ўзбекистон раислигида ШХТ фаолиятини янада тақомиллаштириш, ташкилот доирасида сисъат, хавфсизлик, иқтисодиёт ва гуманитар алоқалар соҳаларида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Сўзимиз якунида ШХТнинг 2016 йилги Тошкент саммити нафақат ташкилоти фаолиятида, балки жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб нуфузига эга бўлиб бораётган Ўзбекистон тарихида ҳам катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлашни истардик. Иштирокчи давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар ташкилот нуфузини сезиларли даражада ошириши билан бирга, уни янада кенгайтиради.

Ҳеч шубҳасиз, қардошлик, яхши кўшничилик асосида фаолият юритаётган, айти дама дунё аҳолисининг салкам 44 фоизи истиқомат қиладиган мамлакатларни қамраб олган ШХТ бундан кейин ҳам узоқ йиллар минтақа тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, аъзо давлатлар ҳудудларида истиқомат қиладиган халқларнинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлайверади.

ОАВда эълон қилинган материаллар асосида тайёрланди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ «ИССИҚЛИК МАНБАИ» АЖ 2016 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТГА КИРИТИЛГАН ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лот - 1. Бухоро шаҳар РК-1 қозонхонасидаги 3-сон ТВГ-8 қозонини мукамал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 349 032 198 сўм (ҚҚС билан), 290 860 165 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш муддати – 3 ой.

Лот - 2. Когон шаҳар РК-3 қозонхонасидаги 1-сон КВГМ-6,5 қозонини таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич қиймати – 215 101 929 сўм (ҚҚС билан), 179 251 607 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш муддати – 3 ой.

Қурилиш ишлари: Маҳаллий бюджет ва Бухоро вилояти «Иссиқлик манбаи» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100%ни ташкил қилади.

Танлов савдоси ташкилотчиси: Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти «Иссиқлик манбаи» АЖ.

Манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 27/1-уй. Телефон: (0-365) 223-77-41, факс: 223-27-76.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга, шунингдек, «Санотгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг махсус руҳсатномаси (разрешения)га эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 120 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси га тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кун ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй.

Изоҳ: Тақлифлар (оферталар) очилишининг аниқ кун ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.

► ЖУГРОФИЙ САЁҲАТ

Олесунн гўзаллиги ва серсувлиги туфайли Норвегия Венецияси деб аталади. Шунингдек, уни бир кечада бутунлай ёниб кул бўлган ва бутун дунё қайта қурган янги Атлантида ҳам дейишади. Бу шаҳар йилига минглаб саёҳатчиларни ўзига жалб этади.

Сув Норвегиядаги ягона мўъжиза эмас. Шуниси қизиқки, бу юрт аҳолисининг уч фоизи қишлоқ ҳўжалиги билан шугулланиб, ўзини таъминлабгина қолмай, маҳсулотларини экспорт ҳам қилади. Миллий маҳсулотларнинг асосини Гудбрансал водийсидаги малла эчки қили ва иссиқ қўй жуни ташкил этади. Қизиқ, Норвегия текис қоялар ва у даражада унумли бўлмаган ер билан қандай қилиб бундай баракали юртга айланган?

Ўтган асрнинг 60-йилларигача ҳам у камбағал, аграр мамлакат эди. Худо берман деса, берар экан. Мамлакат ҳудудидан нефть захираси топилиб, кутилмаганда бой давлатга айланди. Ишлар юришиб кетди. Давлат ўз аҳолисини бепул таълим, нафақа, юқори даражали тиббий хизматлар билан таъминлади. Меҳнатсевар норвег ишчиларига бир хил миқдорда пул тўланади ва “қора кун учун” деб аталган қўшимча тўловлар ҳам ажратилади. Албатта, буларнинг бари келажак авлод учун хизмат қилади.



Матонатган қурилган шаҳар



Янги Атлантида

Олесунн шаҳрига келган ҳар бир инсон, аввало кузатув майдончалари бўлган чекка ҳудудларга ва Акса тоғидаги чўққини кўришга ошиқлади. Бу ердан етти орол табиати янада гўзал кўринади. Уни Венецияга қиёслашди, дедик. Йўқ, бу шаҳар Венециядан ҳам гўзалроқ. Уч тарафини океан сувлари ювиб турган Олесунн, унинг марказидаги баланд каналлар — буларнинг бари эрталардаги сувга гарқ бўлган Атлантида шаҳрини эслатади.

1904 йил қиш кунларининг бирида Олесунн номи дунё газеталари-

нинг асосий мавзуси сифатида тилга олинди. Негаки, совуқ шамолли кечаларнинг бирида даҳшатли ёнғин юз бериб, бутун шаҳарни Атлантика қирғоқларигача куйдириб кул қилди. Уйлар мамлакатнинг қўлпаб шаҳарларидаги каби тахтадан ясалган эди... Европа давлатлари ва Америка Олесуннга ижтимоий ёрдам бериш учун қайиқ ва кемалар юборди. Қўшни Германия ва Швеция эса қариялар, болалар ва аёлларни ўз бағрига олди. Аммо Олесунн эркаклари шаҳарни қайта барпо этиш учун қолишди.

Ҳозирда олис Норвегияда юз берган бўлса-да, кўплар бепул ёрдам қўлини чўзида ва Европа архитекту-

расига хос янги шаҳарни барпо этишга киришди. Шаҳар қайта қурилаётганда барча хавфсизлик чораларига алоҳида эътибор қаратилди. Кутилмаганда юз берган ёнғин учқунлари қўшни хонадонга ҳам хавф солмаслиги учун янги шаҳар кўчалари кенг қилиб қурилди. Шаҳардаги барча уйлар тошдан бунёд этилди. Ҳатто уй томлари ҳам кулранг тошлар билан қопланди.

Натижада тепадан (самолётдан) қараганда ушбу шаҳар худди қумушпангали баллиққа ўхшаб кўринадиган бўлди.

Уч йил ичида Олесунн култтепадан дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айланди. Шаҳар аҳолиси мардлик ва жасорат тимсоли сифатида эътироф этилди.

ВАҚТ МАШИНАСИ

Шаҳар марказидаги эски дорихонада “вақт машинаси” деб номланган кичик шаҳар музейи фаолият олиб боради. Қизиғи шундаки, мўъжаз хонага киришингиз билан битта тугмачани босиш орқали XX аср бошлари кўз олдингизда гавдаланади. Бунда шаҳарнинг ёнғин ичида қолган тарихини фотосуратлар, бир нечта киноленталар кўрсатиб беради.

Уша Ҳожия билан боғлиқ яна бир мўъжизакор, айтиш мумкинки, кўнгилга қувонч индирадиган воқеа ҳам юз берган. Яъни шаҳар буткул култтепага

айланган, вайрон бўлиб, ҳамма умидсизликка тушган маҳал, қурилиш ишлари бошланган вақтда немис архитектори вайронлар орасидан қўриқчани топиб олади. У ниҳоятда оч-наҳор, ҳолдан тойган, бироқ не бахтки, тирик эди. Музей бу ҳақида ҳам саёҳатчиларга ҳикоя қилиб беради.

Олесуннда баллиқ овлаш музейи ҳам мавжуд. У жуда катта бўлмаса-да, ажойиб. Бу ерда инсоният пайдо бўлгандан то бутунги кунгача бўлган баллиқ овлаш усуллари билан танишиш мумкин.

СУВ УСТИ ВА СУВ ОСТИ

Замонавий Олесунн кўчалари бўйлаб юрганингизда, ўзингизни гўё музей бўйлаб саёҳат қиладигандек ҳис этасиз. Шаҳардаги ҳар бир уй мўъжизавий ранглар уйғунлигида ўзига мафтун қилади кишини. Сув устидаги шаҳар ранг-баранглиги билан инсонларни дол қолдирса, барча хавфсизлик чоралари қурилган тунел сув остидаги ҳаётни ҳис этишга қўмақлашади.

Шундай қилиб, меҳрибон она табиат ва мўъжизаларга бой океан гўзал Олесунни ўз бағрида сеҳрли тилсимларга кўмди. Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳар бир халқ нимага қодир бўлса, демак, у шунга муносибдир.

ЎЗМУ талабаси
Елена ЧУЯНОВА тайёрлади.

Бир ҳовуч дур

Устоз олдига таълим бериш вази-
фаси туради. Таълим бериш учун у
ўз шогирдларининг ўй-ташвишлари-ю
қатъий муддаоларини ҳисобга олиши
керак. Чунинчи, у бухороликлар би-
лан суҳбатлашаётганида, Бухоро ти-
лини кўлаши, Бағдодда эса Бағдод
тилида сўзлаши керак.

Баҳовуддин Нақшбанд

Жўрттага ўз сўзида туриб олган ил-
мсия киши билан баҳслашиш на мақ-
сад эгасига ва на мақсадга бирор фой-
да етказмайди.

Абу Райҳон Беруний

Агар ҳақиқатда чанг ва тутун бўлмаса
эди, киши минг йил яшаган бўларди.

Абу Али ибн Сино

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз
дўстидан ранжирмайди, дўстининг душ-
манини ўз душмани деб билади. Агар
керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам
аямайди.

Амир Темур

Яхши кишиларни Яратганининг ўзи
яхши дўстлар билан сийлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Ҳақ йўлида ким сенга
бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо,
онинг ҳақин юз ганж ила.

Алишер Навоий

Яхши муомалани дўст ва душманга
баробар қилмоқ лозимдур. Чунки
яхши сўз дўстларининг дўстликларини
орттирур. Душманларининг дўстга ай-
лантирур.

Мунаввар қори Абдурашидхон

Тикансия — гул, садафсия — дур,
машаққатсия ҳунар йўғтур.

Бобораҳим Машраб

Инсон бўстони саломатга, гулзори са-
одатга ҳаққоният йўли ила чиқар. Ин-
сониятнинг илдири ўлаи раҳимдиллик,
ҳақшунослик, одилолик каби энг яхши
сифатларининг онаси ҳаққониятдир.

Абдулла Авлоний

Сўз қолип, фикр унинг ичига
қуйилган ришт бўлсин, кўпчилик ҳун-
донидан пишиб чиққач, янги ҳаёт ай-
вонига асос бўлиб ётсин.

Абдулла Қодирий



**27 июнь — «Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни» касб
байрамингиз билан Сиз қалам ахлини
самимий муборакбод этамиз.**

**Барча эзгу ниятларингиз амалга ошишини,
ижодий ишларингизда ҳамиша муваффақият,
бахт-саодат ёр бўлиши тилаймиз.**

www.agrobank.uz


тел. (+99871) 203 88 88



AGROBANK

Хизматлар лицензияланган

Reklama



**ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИДА
ЖАМОАЛАР
ПЛЕЙ-ОФФ «ДАРДИ»ДА**

ФРАНЦИЯДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН
ФУТБОЛ БЎЙИЧА «ЕВРО — 2016»
МУСОБАҚАСИДА «А», «В»
ГУРУҲЛАРИДА, КЕЧА ТУНДА ЭСА «С»
ВА «Д» ГУРУҲЛАРИДА 3-ТУРДАН
ЎРИН ОЛГАН ЎЙИНЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Сўнгги турда Франция тер-
маси Швейцария билан нурсиз
дурани қайд этди. Мазкур на-
тижа бу жамоаларга биринчи,
иккинчи ўринларни тақдим
этди ва улар 1/8 финал чи-
қишди.



Албания терма жамоаси Ру-
минияни 1:0 ҳисобида мағлу-
биятга учратди. Албанияда
нимчорак финалга чиқиш учун
имконият бор. Эслатиб ўтамиз,
«Евро — 2016» да илк
маротаба йигирма тўрт жамоа
иштирок этмоқда. Бу
нимчорак финалга 16 та жамоа
чиқишини аниқлади. Яъни
гуруҳ босқичи баҳсларидан
1,2-ўринларни эгал-
лаган жамоалардан ташқари,
энг яхши натижа қайд
этган учинчи ўрин соҳиб-
ларига ҳам плей-офф босқичи-
га йўлланма берилди.

«В» гуруҳи жамоаларининг
охирги 3-тур ўйинларида,
Англия терма жамоаси Сло-
вакия билан ўйнади. Маз-
кур баҳсда 0:0 натижаси қайд
этилди. Иккинчи қара-
ма-қаршилиқ, Уэльс — Рос-
сия учрашувида эса ҳисоб
3:0.

**Қуйида гуруҳларда 21 июнгача бўлган
вазиратни эътиборингизга ҳавола этамиз.**

«А» гуруҳи

№	Жамоа	Ў	F	Д	М	Т-Н	О
1	Франция	3	2	1	0	4-1	7
2	Швейцария	3	1	2	0	2-1	5
3	Албания	3	1	0	2	1-3	3
4	Руминия	3	0	1	2	2-4	1

«В» гуруҳи

№	Жамоа	Ў	F	Д	М	Т-Н	О
1	Уэльс	3	2	0	1	6-3	6
2	Англия	3	1	2	0	3-2	5
3	Словакия	3	1	1	1	3-3	4
4	Россия	3	0	1	2	2-6	1

«С» гуруҳи

№	Жамоа	Ў	F	Д	М	Т-Н	О
1	Германия	2	1	1	0	2-0	4
2	Польша	2	1	1	0	1-0	4
3	Ш. Ирландия	2	1	0	1	2-1	3
4	Украина	2	0	0	2	0-4	0

«Д» гуруҳи

№	Жамоа	Ў	F	Д	М	Т-Н	О
1	Испания	2	2	0	0	4-0	6
2	Хорватия	2	1	1	0	3-2	4
3	Чехия	2	0	1	1	2-3	1
4	Туркия	2	0	0	2	0-4	0

«Е» гуруҳи

№	Жамоа	Ў	F	Д	М	Т-Н	О
1	Италия	2	2	0	0	3-0	6
2	Бельгия	2	1	0	1	3-2	3
3	Швеция	2	0	1	1	1-2	1
4	Ирландия	2	0	1	1	1-4	1

«Ғ» гуруҳи

№	Жамоа	Ў	F	Д	М	Т-Н	О
1	Венгрия	2	1	1	0	3-1	4
2	Исландия	2	0	2	0	2-2	2
3	Португалия	2	0	2	0	1-1	2
4	Австрия	2	0	1	1	0-2	1

Ж. Хўжақулов тайёрлади.



**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«Асака» банк**

яқинлашиб келаётган "Мустақиллик куни" байрами муносабати билан
қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

"МУСТАҚИЛЛИК — 25"


Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган
фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилди.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий
валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Сизнинг омонатларингиз:

- » Солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » Маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- » Эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » Миқдори чекланмаган!

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74
Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11



Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

«Асака» банк сармояннгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган

